



THE CONTENT AND ESSENCE OF THE 2025 PRIVATIZATION PROGRAM FOR 2025 IN UZBEKISTAN

Akmal Valijonov

The Center for Research of Problems in Privatization and
State Assets Management, Tashkent, Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17877204>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2025

Accepted: 09th December 2025

Online: 10th December 2025

KEYWORDS

State property, privatization,
program, competition, share,
economic society.

ABSTRACT

The article covers the content and essence of the 2025 privatization program in Uzbekistan, in particular, the measures for the privatization of state assets provided for by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 21, 2025 No. UP-70 "On the Privatization Program for 2025". Based on the research results, relevant conclusions and proposals have been developed.

СОДЕРЖАНИЕ И СУТЬ ПРОГРАММЫ ПРИВАТИЗАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА 2025 ГОД

Акмал Валижонов

Центр исследований проблем приватизации и управления
государственными активами Ташкент, Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17877204>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2025

Accepted: 09th December 2025

Online: 10th December 2025

KEYWORDS

Государственная
собственность,
приватизация, программа,
конкуренция, доля,
хозяйственное общество.

ABSTRACT

В статье освещены содержание и сущность программы приватизации в Узбекистане на 2025 год, в частности, изложены меры по приватизации государственных активов, предусмотренные Указом Президента Республики Узбекистан от 21 апреля 2025 года № УП-70 "О программе приватизации на 2025 год". По результатам исследования разработаны соответствующие выводы и предложения.

ЎЗБЕКИСТОНДА 2025 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Акмал Валижонов

Хусусийлаштириш ва давлат активларини
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17877204>

ARTICLE INFO

ABSTRACT



Received: 04th December 2025
Accepted: 09th December 2025
Online: 10th December 2025

KEYWORDS

Давлат мулки,
хусусийлаштириш, дастур,
рақобат, улуш, хўжалик
жамияти.

Мақолада Ўзбекистонда 2025 йил учун хусусийлаштириш дастурининг мазмуни ва моҳияти ёритилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ-70-сон Фармонида давлат активларини хусусийлаштириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар баён қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу давлат мулки объектларини хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш ва эркин рақобат муҳитини ривожлантиришдан иборат. Мустақиллик йилларида давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, бугунда бир қатор йирик корхоналарда давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида давлат корхоналарида хусусийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: “...мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак”. [1]

Адабиётлар таҳлили ва методлар

Хусусийлаштириш масалалари Андерсон Р., Аша Р., Албах Х., Бруно М., Винтон А., Веч К.А., Дянков С., Эрли Ж., Эстрин С., Кана С., Куча У., Мауч Е., Норт Д., Стрик Д., Стиглитс Ж., Уилямсон О. ва бошқа хорижий иқтисодчиларнинг асарларида ёритилган. МДХ мамлакатларининг ўзида хусусийлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Л.И. Абалкин, В. Басаргин, В.А.Волконский, В. Гутник, И. Гимоди, В. Добродей, Р.Капелюшников, Г. Клейнер, Ф. Крейчман, Г. Малигин, С. Моложавой, А. Муравев, Ю. Перевалов, А. Радигин ишларида ишлаб чиқилган [2]. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш масалалари И. Бутиков [3], Т. Кадиров [4], З. Кудратов [5] ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Ушбу мақолада тадқиқотнинг статистик таҳлил ва монографик ўрганиш усулларида фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий сектор улушини ошириш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Масалан, 2025 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси



Президентининг “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ-70-сон Фармони қабул қилинди [6]. Фармонга мувофиқ қуйидагилар белгиланди:


2025 йилда хусусийлаштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари;
давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш вазифалари;
хусусийлаштириш ва давлат мулкани ижарага олишдаги имтиёзлар;
давлат мулкани бошқариш ва сотишнинг янги механизмлари;
хусусийлаштириш соҳасидаги кафолатлар;
оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлар) рўйхати;
оммавий савдоларга чиқариладиган давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун 2025 йилда устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш режаси;

вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалаларига масъул ўринбосарларнинг асосий вазифалар;

хусусийлаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича бошқа вазифалар.

Фармонга асосан 115 та давлатга тегишли бўлган ташкилотларда хусусийлаштириш амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, улардан 78 таси хўжалик жамиятлари ҳисобланади. Хусусийлаштирилиши режалаштирилган ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича тақсимотини қуйидаги 1-расмда кузатишимиз мумкин.



1-расм. 2025 йилда тасдиқланган хусусийлаштириш дастурига мувофиқ давлат улушлари хусусийлаштирилиши белгиланган ташкилотлар сони



Хусусийлаштирилиши белгиланган 69 та МЧЖ ва 9 та АЖларда улушлар сотилса, давлат муассасаси ва бошқа ташкилий-хуқуқий шаклдаги корхоналар эса аввал хўжалик жамиятига ўзгартирилиб сўнгра вужудга келган давлат улуши хусусийлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Фармоннинг эътиборли жиҳатларидан бири бу 2025 йил 1 июлдан бошлаб Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмаларига «Давлат мулки» ахборот тизими орқали давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулк объектларини сотиш учун тўғридан-тўғри электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуқи берилишидир.

Хўжалик жамиятларида давлат улушларини хусусийлаштиришда чет эл инвестицияларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвесторларни хўжалик жамиятларига улушдор сифатида жалб қилиниши ушбу жамиятларда замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

2025 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-145-сон қарори қабул қилинди [7]. Қарорда қуйидагилар назарда тутилган:

профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда халқаро ва маҳаллий бозорларда оммавий савдоларга чиқариладиган акциялар пакетлари (улушлар) рўйхати (жами 29 та корхона);

халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати (жами 12 та корхона);

давлат иштирокидаги айрим йирик корхоналарни сотиш механизми;

давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция пакетларини (улушларни) хусусийлаштириш олди тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби ва унинг асосий вазифалари.

Хулоса ва таклифлар

Давлат мулкини хусусийлаштиришни янада жадаллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ракобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини кескин қисқартириш;

давлатнинг йирик хўжалик жамиятларидаги иштирокининг мақбул даражасини белгилаш, давлат иштироки зарур бўлмаган хўжалик жамиятларини аниқлаш ва улардаги давлат улушларини хусусийлаштириш дастурларига киритиш;

хусусийлаштирилаётган давлат улушларини самарали мулкдорлар ўртасида жойлаштиришни таъминлаш;

давлатга тегишли акциялар пакетларини хорижий фонд бозорларида жойлаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Хусусийлаштиришни янада жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-145-сон



қарорига мувофиқ ишлаб чиқиладиган 2026-2030 йилларда давлат корхоналарини
ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш Стратегияси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>).
2. Холматов Р.Б. Роль приватизации в формировании многоукладной структуры собственности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Хужанд. 2011. -22с.
3. Бутиков И.Л. Институциональные основы формирования многоукладной экономики.-Т.: Консаудитинформ, 2002. -272с.
4. Кадыров Т.А. Зарубежный опыт приватизации земель несельскохозяйственного назначения// журнал «Eurasian journal of law, finance and applied sciences»// Volume 5, Issue 9, September 2025, с.13-17.
5. Кудратов З. Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаш-тиришда рентабеллик масалалари//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social science. 2023.-№3- 1126-11316.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ-70-сон Фармони. (<https://lex.uz/uz/docs/-7488166>).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-145-сон қарори. (<https://lex.uz/uz/docs/-7488164>).